

Шарқ юлдузи

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN'AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK



Sharq yulduzi

МУНДАРИЖА

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Абдулла АЛАВИЙ. Кенг кучоғнинг гўзалликнинг Ватани.4

НАЗМ

Ойдин ХОЖИЕВА. Умр чархпалаги.20

Нодир ЖОНУЗОҚ. Сасинг туйсам сафарларда.29

Лайло ШАРИПОВА. Дардларимни бағримга олдим.34

Ўроз ХАЙДАР. Олис хотиротнинг мунис чилтори.75

Насрулло ЭРГАШ. Тилга кўчмаган сўз – мен учун ватан.80

НАСР

Лукмон БЎРИХОН. Чўлдан келган ташвиш. *Бугуннинг ҳикоялари* 8

Абдужалол РАҲИМ. Садокат. *Ҳикоя*.26

Назар ЭШОНҚУЛ. Гирён.39

Дилором АБДУРАҲМОН. Ҳалинчак.90

Беғижон АХМЕДОВ. Дафтар четдаги битиклар.148

ТАҲЛИЛ

Дилноза ТЎРАЕВА. Ёзувчи тафаккури ва бадиий ижод жараёни. 87

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Абдурахим ЭРКАЕВ. Ҳазрат Навоий газалларида ўзлик масаласи.99

Аҳадхон МУҲАММАДИЕВ. Ҳамд ва наътларда комил инсон гоёси.154

ТАҚДИР ВА ТАЛҚИН

Шаръий ЖУЗЖОНИЙ. Бобурийлар сулоласининг сўнгги кироли.111

БУ БЎСТОН САҲНИДА

Исмоил Махмуд МАРГИЛОНИЙ. Ҳар киши иймон билан етгай саодат қасрига.113

КЎНГИЛ МУЛКИ

Муслимбек ЙЎЛДОШЕВ. Оташнинг сўзларнинг жаранги ўзга. 117

ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Ислом ЁҚУБОВ. Кўламдор вокелик ва файзиёб образлар.124

Гулноз САТТОРОВА. 2019 йил ҳикоялари.129

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Феруза ХАЙРУЛЛАЕВА. Шафакранг гуллайди бунда умидлар. 135

“ШАРҚ ЮЛДУЗИ” ЖУРНАЛИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Саъдулла СИЁЕВ. Журналим – устозим.140

Тўлқин МУҲИДДИН. Адабиётимиз ойнаси.142

ТАДҚИҚОТ

Гўзал СОАТОВА. Халқ дардини талқинлари.158

УНУТМАС МЕНИ БОГИМ

Исмоил ТЎХТАМИШЕВ. Йўлларингга эдим кўп маҳтал.162

Гулираъно ОРИФЖОНОВА. Ўзбек адиблари уй-музейлари. 167

BOLALAR DUNYOSI

Yahyo TOG'A. Mevalar shevasi.170

Адабий ҳаёт.174

Шарқ юлдузи

2020

3-сон

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри тахририят ижодий жамоаси нуқтан назаридан фарқлангани мумкин. Тахририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтариқмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 «Ўзбек адабиёти» ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шугулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Маъзилимиз:

100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шохкўча, Адиблар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

Телефонлар:

231-23-65, 231-23-66, 231-23-68

www.sharqyulduzi.uz

e-mail: sharqyulduzi@mail.ru

sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди:

Когез бичими 70x108 ¹⁶/₃₂

Офсет босма усулида офсет коғозда

босилди. Босма табоғи 11,0.

Шартли босма табоғи 15,4.

Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.

Алади 2100 нусха.

Буюртма №13

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.

“PRINT RABEL” МЧЖ

матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона маъзили:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,

Ўрозбоев кўчаси, 35-уй

Журнал ойда бир марта

чоп этилади.

Мусаххихлар:

Дилфуза Маҳмудова

Маҳира Ҳусанова

Саҳифаловчи-дизайнер:

Элёржон Негматов

Copyright © «Шарқ юлдузи»

ЁЗУВЧИ ТАФАККУРИ ВА БАДИЙ ИЖОД ЖАРАЁНИ



Дилноза ТЎРАЕВА

Ёзувчи ижодий лабораториясини ўрганиш бадий асарнинг моҳиятига янада яқинроқ киришга йўл очади. Ижодий режанинг юзага келишига туртки бўлган бирон-бир омил, бадий ғоя, унинг тугилиши умуман бадий асарнинг майдонга келишига қадар бўлган жараён ёзувчи ижодий лабораториясини ташкил қилади.

Ёзувчи ижодий лабораторияни бадият такомилига самарали хизмат қилувчи ва ижодкорни етарли даражада руҳлантирувчи турли зиддиятлар, қарама-қаршиликлар ҳамда тўқнашувларни бадий талқинга тортган эстетик тизим ҳисобига бойитиб боради.

“Маҳмуд Торобий” романи бадий салмоғини Асад Дилмурод ижодий нияти ва лабораторияси билан боғлиқ ҳолда текшириш муҳим бадий-эстетик ҳулосалар чиқариш учун етарлича имкон беради. Адиб ўз олдига мақсад қўйиб, роман учун, ҳануз аҳамиятини йўқотмаган катта тарихий воқеа билан бирга, турли мураккаб тақдирлар, бир-бирига ўхшамас характерлар, ғоят чигал психологик ҳолатларни асос қилиб олгани фикримизни тасдиқлайди.

Ёзувчининг Ойбек ва Миркарим Осим каби устозлардан сўнг мазкур мавзуга мурожаат қилган “Яроқдаги битик” ҳикояси “Маҳмуд Торобий” романига муҳим пойдевор вазифасини ўтайди. Ҳикоя матнидаги драматизм роман матни учун хос кўчгани ва уни бадий жиҳатдан юксалтиришга хизмат қилгани билан аҳамиятли дейиш мумкин. Роман драматизмининг психологик тасвирлар исён манзаралари билан бирликда юзага чиқаради. Поэтик тасвирга жонлилик бағишлаган муаллиф тили, диалог ва монологларда кўзғолон таҳликалари Маҳмуд Торобий, Шамсиддин Маҳбубий ва дўстлари, – Маҳмуд ялавоч, Чигатой ва ҳамтовоклари тасвирида акс этади. Кўзғолонга оид далиллар руҳий таҳлил чигиринидан ўтиши баробарида ҳаётий ҳақиқат бадий ҳақиқат тусини олади. Айни шу жараёнда юзага келган поэтик оралиқ изчил фалсафий қарашлар билан маромида тўлғазиб борилгани сезилади. Садокат ва хиёнат, олижаноблик ва хунрезлик, умид ва ноумидлик, жасорат ва қўрқоклик фалсафий таҳлил қилинади.

Маҳмуд Торобий кўзғолони халқ қудратли куч, хурлик мақомига интилиш мўътабар маслак, бирдам ва ахил бўлиш юксак фазилат эканини яққол исботлаган ҳаракат сифатида тарихда ўз ўрнига эга. 90-йилларда юзага келган “Маҳмуд Торобий” романи бадий-эстетик хусусияти билан характерланади. Бундан ташқари роман сюжети кўзғолонга замин яратган ва Маҳмуд Торобий қалбида озодликка интилиш

Дилноза ТЎРАЕВА – 1983 йилда тугилган. Гулистон давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини битирган. Унинг республика ва халқаро миқёсдаги нуфузли журналларда 20 га яқин илмий мақолалари эълон қилинган.

туйгусини шакллантирган ҳаётий сабабларга ҳам эътиборни қаратади. Алоҳида қайд этиш лозимки, севиқли хотини Субуха ва ўғли Жалолиддиннинг ваҳшиёна қатл қилиниши Маҳмуд Торобий қалбида ғанимга нисбатан чексиз нафрат, қаҳру қазаб уйғотган ва озодликка интилиш туйгусини жўш урдирган асосий фактлардан биридир. Айни пайтда роман сюжети ва драматизмидаги таранглик кўзғолонни келтириб чиқарган ижтимоий сабаблар микёси ғоят кенглиги ва илдизи чуқур эканини етарлича тасдиқлайди. Сюжет ривожлангани сайин сабаблар тизими асосида, Маҳмуд Торобий дилини вайрон қилган шахсий мусибатдан ташқари, умумбашарий аҳамиятга молик улкан ғожеа ётгани равшан бўла боради. Роман бадий-эстетик хусусиятини бадийлик поғонасига кўтарган ўша ғожеа ўзида халқни зулм остида эзилиши, эрк ва ҳуқуқлар бўғиб қўйилиши, Ватан тупроғи топталиши, эътикод ва имон камситилиши, миллий қадриятлар йўқотишга маҳкум этилиши, моддий бойликлар очкўзлик билан ўмариб кетилиши каби кўргуликлар ифодасини жамлайди.

Романда Маҳмуд Торобий психологиясида миллий руҳнинг ўзига хос кўринишларини мужассам қилган инсон қиёфасида гавдаланиши алоҳида аҳамиятга молик. Ана шу ходиса туфайли ёзувчи улкан ижтимоий-сиёсий муаммо ечимини топиш учун тақдир мислсиз жисмоний ва руҳий қудратга эга бўлган, узокни кўра оладиган, эзгулик ва ёвузлик фарқини теран заковат орқали ажрим қилишга интиладиган Маҳмуд Торобий образини яратади. Роман “Марко Поло Китоби”, Ато Малик Жувайнийнинг “Жаҳонгир тарихи”, Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” ва номаълум мўғул муаллифи қаламига мансуб “Тужа шажараси” асарларларидаги кимматли тарихий маълумотлар асосида юзага келган.

Романда босқинчиларга қарши бошланган Маҳмуд Торобий бошлик халқ ҳаракати сабаблари, илдизлари кўрсатиб берилган. Кўзғолон моҳияти, Маҳмуд Торобий ва бошқа образлар дунёси характери билан ўша даврдаги миллий урф-одатлар, диний, маънавий-маърифий, ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатлар талқини мутаносиб тарзда амалга оширилган, роман фабуласи талқинига доир мувозанатга алоҳида сайқал берилган. Ёзувчи озодлик ҳаракати хусусидаги тушунчаларини қадимий Бухоро шаҳри ва Тороб қишлоғига сафар уюштириш пайтида олган таассуротлари орқали етарли даражада мустаҳкамлайди.

Бундан ташқари романдаги бадий образлар индивидуал хусусият касб этиши Асад Дилмурод ижодий лабораториясида қайта сайқал топган ранг-баранг адабий омиллардан унумли фойдаланганлигидан далолат беради. Адиб адабий омилларнинг романдаги ўрнини ижодий нияти, позицияси ва нуктаи назари талабларига кўра белгилайди. Натижада тўлақонли образлар туғилиши, шунингдек, сюжет жараёни ижодий ният тақозосига кўра шакллантирилиши, бадий матн ҳаётий кўламдорлик ва фалсафий қарашлар тизимини етарли даражада ўзлаштиришида тасаввуфий қарашлар, мажозга асосланган образлар ёрдамга келади. Барча воқеалар шу омиллар кўмагида изчил ривожланади ва ҳаётий ҳақиқатнинг бадий ҳақиқатга айланиш жараёнига кўмаклашади.

Маълумки, ўзига хос қисқа муддатли кайфият, қалбнинг порлаши, чакмоқ чақилгандай ярқираган нурни туйиш лаззати¹ бўлган ҳол илмини куч сарфлаш, таълим-тахсил кўриш билан эгаллаб бўлмайди, у яратган томонидан берилади. Демак, Маҳмуд Торобий илоҳий истеъдод эгаси бўлиб, бу хусусиятини адиб асар мазмунига сингдириб борган.

Маҳмуд Торобий, биринчи навбатда, Аллоҳни энг ишончли мададкор ва суянч. энг содиқ нажоткор ва маслаҳатгўй деб биладиган образ сифатида гавдаланади. Шамсиддин Маҳбубий устозлигида қобилияти ва билимини пешлаган баҳодир дунёқараш ўша қонун-қоидалар ва назарий қарашлар тизими боис тўлик. Масалан, у жисми жонида Аллоҳ меҳрини жойлагани учун эътиқоди мустаҳкам жасур

¹ Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Биринчи китоб. Т., “Ёзувчи”, 29-бет.

исёнкор даражасига кўтарилади. Борлигидан турли ҳой-ҳаваслар туйғусини суриб чиқаради ва қалбидан гўзаллик бобида тенгсиз Гура хотуннинг қайноқ мухаббатига жўй ажарата олмайди ва мана шу ҳолат ўтли изтиробларга коришиқ тасвирлангани туфайли ўқувчини ўйга толдиради. Унинг олдига қўйган улкан мақсади, яъни бутун Бухоро ва халқни зулм кишанидан халос қилишга эришиш учун Маҳмуд Торобий тасаввуф фалсафаси кирраларини кундалиқ ҳаётга эришиш учун Маҳмуд Торобий талбик этишга урингани тасаввуфона тасвирий бўёқлар воситасида чизилади. Ана шу жихатдан олганда, Маҳмуд Торобий ташаббуси асосида ўртага ташланган "Биз ўлимга борурмиз, ўлим халоскоримиз!" шиори теран фалсафий аҳамият касб этади. Ҳар жихатдан таҳсинга лойиқ мазкур жанговар даъват моҳияти билан кўзғолоннинг ижтимоий ва маънавий зарурат эканини тасдиқловчи моҳият яхлит эстетик тасвир доирасида маърифий туташув ҳосил қилиши романдаги полифония ҳислатини тиниклаштирувчи омилга айланади. Пировардида Маҳмуд Торобий ва шериклари, тасаввуфий таълимотга кўра, жисмоний эркинликдан руҳий эркинликка кўчиш, бинобарин, ҳаёт ва ўлим ўртасида кечадиган ҳар қандай азоб синновидан ўтиш орқали абадий ҳурлик мақомини қўлга киритишни тилашгани ижодий ният ва полифония талабига уйғун йўсинда ёритилади. Эстетик талқин жараёнида ўлим тушунчаси маънавий покланиш, адолат ва ҳақиқатни кўриклаш, тириклик ва яхшилиқни кадрлаш, ниҳоят, ёвузлик ва жаҳолатдан нафратланишга ундовчи эстетик тушунчага айлана боради. Ниҳоят, ўлим тушунчаси исёнкор бандалар руҳий дунёси, ички кечинмалари, изтироблари ва ҳаёлларини маромида ифодалаш орқали бадиий матн мантигини чуқурлаштириш ҳамда она Ватан ва халқ озодлигини асраш муқаддас бурч деган эстетик идеални рўёбга чиқариш учун самарали хизмат қилади.

Маҳмуд Торобий ҳар қандай қалтис шароитда ҳам иймон ва эътиқод кишиси бўлиб қолади. Масалан, даҳшатли жанг майдонида душман ўқидан қаттиқ яраланиб, нажот кутиб ётганда Оловхон Юсуф тимсолида ажалга рўпара келар экан, Маҳмуд Торобий бўшашмайди, аксинча, ўзини шердек дадил тутати. Ана шу ҳолати тасвири романи кучли драматизм билан яқунлаш имконини беради: "Ур, иним, ура қол, бас, маҳтал қилма! Бу жон омонат, омонат жонни шундай кунда топширмасам, қачон топширамен?! Эсимни таниганимдан бери орзу қилдим Оллоҳ дийдорига етишмакни, шул саодатни сенинг қиличингдан буюрган экан! Ур, ура қол, маҳтал қилма!"² У аёвсиз курашда жисмонан мағлуб бўлсада, маънан ғолиб эди. У аёвсиз кечган курашда душман қўлида эмас, аксинча манфур Оловхон Юсуфдек соткин ватандоши чанғалида ҳалок бўлади. Оловхон Юсуфнинг қилмишига яраша аянчли тақдири ҳам ёзувчи томонидан тўғри ажр қилинади.

Маҳмуд Торобий камбағал оилада тарбияланган, ҳарбий таълимдан беҳабар бўлган ҳолда, ҳар жихатдан етук саркарда ва адолатпеша султон даражасига кўтаришган инсон сифатида гавдаланади, бу жихатига кўра таникли итальян адиби Рафаэлло Жованьолининг "Спартак" романидаги Спартак, рус адиби Александр Пушкиннинг "Капитан кизи" қиссасидаги Дон казаги Емельян Пугачёв образларига жуда яқин туради. Спартак ва Емельян Пугачёв жаҳолатга элтувчи зулм остида эрилиб ётган халққа қайишадиган, тиз чўкиб яшашдан кўра тик туриб ўлишни афзал биладиган, эзгулик асослари ва ҳурлик мақомини астойдил кадрлайдиган ҳимоячилар сифатида ҳаракат қилувчи қаҳрамонлардир. Ўзига ҳос бу инсоний муштарақлик ҳар учала романда ҳам етарли даражада ўз аксини топган.

Хуллас, асарда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий ва абадий кураш масаласи, қаҳрамонлардаги келажакка ишонч иштиёқи бадиий ижод қонуниятлари асосида ҳаётини ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантириш орқали шакллантирилган. Шунингдек, роман ҳиссий тафаккурнинг бадиий намоёнидаги ўзига ҳослиги билан аҳамиятли дейиш мумкин.